
“ИМКОН” САВДО МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Бугун Риштон тумани марказида Бувайда туманидаги “Имкон трейд центр” “ИМКОН TREYD CENTR” масъулияти чекланган жамиятининг филиали - қарийб 5 минг хилдан ортиқ хўжалик моллар билан савдо хизматини кўрсатувчи марказ тантанали равишда очилди.

Савдо маркази нақд пул ва 12 ойлик муддатли тўлов асосида харидорларга хизмат кўрсатади. Шу билан бирга маҳсулотлар харидорларнинг уйларига элтиб берилади, маиший техникалар ўрнатиб берилади ҳамда кафолат муддатида бузилиб қолса тузатиб бериш хизматлари йўлга қўйилган.

Савдо марказида расталаридан турли мебель маҳсулотлари ва уй-рўзғор буюмлари, энг замонавий маиший техникалар жой олган.

Ушбу марказни очилиши маросимида Риштон тумани ҳокимининг 1-ўринбосари Азизжон Мустафоқулов сўз олиб, республикамизда аҳоли учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар ҳамда тадбиркорликка берилаётган эътибор ҳақида гапириб, янги фойдаланишга топширилаётган мазкур бино фуқароларга талай қалайликлари, маҳсулотларнинг сифатли ва арзонлиги билан ажратиб туриши, шунингдек бундай мажмуалар тумanning турли ҳудудларида яратилиши ҳақида гапирди.

Савдо марказининг очилиш маросимида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Яҳёбек Мўминов, Омаджон Раҳимовларнинг дилтортар қўшиқлари, Анваржон Неъмадалиевнинг ичак узди аскиялари тадбир иштирокчиларига манзур бўлди.

Риштон туман ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-08-23 11:52:55